

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.32/30.12.2019.Үн.74.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ТУРҒУНОВ ОЙБЕК КАРИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ
(ҲУҚУҚИЙ) АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertatation

Турғунов Ойбек Каримович

Ўзбекистонда сайлов тизимининг институционал (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш.....3

Турғунов Ойбек Каримович

Совершенствование институциональных (правовых) основ избирательной системы в Узбекистане30

Turgunov Oybek Karimovich

Improving the institutional (legal) bases of election system in Uzbekistan56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....60

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.32/30.12.2019.Үн.74.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ТУРҒУНОВ ОЙБЕК КАРИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ
(ҲУҚУҚИЙ) АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Yu31 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ахмедов Даврон Қувонович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хусанов Озод Тиллабоевич
юридик фанлар доктори, профессор

Маматов Худоёр Ташаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Селиманова Светлана Михайловна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2019.Yu.74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Рустамбаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

М.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

М.Б.Усмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (Фан докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сайловлар давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларини шакллантиришда фуқаролар иштирокини таъминлашга кўмаклашувчи энг муҳим тартиб-таомил саналади. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқини амалга ошириш сайловлар билан боғлиқ бўлиб, сайловлар – демократия мавжуд бўлишининг шарти, овоз бериш йўли билан давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш идораларининг шакллантириш усулидир. Сайлов тизими давлат сиёсати йўлини шакллантириш баробарида ўзи ҳам мазкур сиёсат маҳсули ҳисобланади. Сайлов тизимининг ҳаммабоп андозаси яратилмаганлиги, демократик жамиятда сайловлар ҳамиша муҳим ўрин тутганлиги боис, жамият, давлат ва фуқаролар учун энг мақбул шакл ва механизмларни акс эттирган адолатли сайлов тизимини излаш, унинг илғор моделини яратишнинг илмий зарурати ҳам мавжуддир.

Жаҳонда барча тараққий этган давлатларда миллий сайлов тизими демократиянинг асосий талаби, ҳокимиятни легитимлаш, жамиятда қонун устуворлиги ва манфаатлар мутаносиблигини таъминлашнинг энг муҳим кафолати ҳисобланади. Сайлов институтларининг такомиллашуви давлат ва жамият тараққиёти даражасини белгилаб беради. Бугунги глобаллашув даврида халқчил сайлов тизимига хос зарур ташкилий-ҳуқуқий шаклларни яратиш, «халқ ҳокимиятчилиги», «давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади» деган принципларни рўёбга чиқаришнинг самарали усул ва шаклларини ишлаб чиқиш, соҳага оид умумэътироф этилган халқаро ҳуқук нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда сайлов ҳуқуқини самарали таъминлаш, сайловга оид ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш, миллий сайлов тизими демократлашуви жараёнларини, ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, электорат сиёсий маданиятини мустаҳкамлаш каби давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалаларнинг илмий ечимини топишга аҳамият берилмоқда. Сайлов тизимига оид конституциявий нормаларни изчил амалга ошириш мақсадида кенг қамровли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, сайловга оид 21 та қонун тизимлаштирилиб, Ўзбекистон тарихида илк бор ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. Бу миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, демократик сайловларни ўтказишни янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди¹.

Сайлов қонунчилиги ва амалиётини таҳлил қилиш, сайлов жараёни субъектлари ҳуқуқий мақоми, ўзаро муносабатларига оид механизмларни янада такомиллаштиришни тақазо этади. Бунда самарали янги конституциявий нормалар, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш бўйича аниқ тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади.

¹ Мирзиёев Ш.М. “Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир” // <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси (2019), “Сиёсий партиялар тўғрисида” (1996), “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида” (2004) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони (2017), “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2018), “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари (2018) ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Сайлов тизими институционал негизи назарияси бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилган, жумладан NY University, Harvard University, Stanford Law School, UCLA School of Law, Boston College, Washington University School of Law, Yale University, Johns Hopkins University (АҚШ), Oxford University, Newcastle University, Cambridge University, Queen Mary University (Буюк Британия), Frankfurt Universitdt, Mьnchen Universitdt (Германия), Pantheon Sarbonne (Франция), The University of Toronto (Канада), University of Twente (Нидерландия), Baku State University (Озарбайжон), The University of Nagoya, (Япония), МДУ, Москва давлат юридик университети, Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Санкт-Петербург давлат университети (Россия)да олиб борилмоқда.

Сайлов тизимига оид турли жиҳатлар тадқиқот марказлари ва бошқа илмий муассасаларда ўтказилган тадқиқотлар предмети бўлган. Масалан, АҚШлик олимлар сайлов тизимларига демократиянинг муҳим воситаси сифатида ёндашиб, сайловлар, сайлов тизими ва унинг мамлакат сайлов қонунчилиги асосида шаклланган моделларини ўрганганлар. Улар давлатларни сайлов тизимларининг даражасига қараб, барқарор демократия қарор топган ва энди оёққа туриб келаётган демократия йўлидан ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига ажратади. Айни пайтда ривожланаётган ҳамда сиёсий тизимларини ўзгартираётган мамлакатларда сайлов тизимларининг демократияни қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинган. Ушбу тадқиқотчилар бугунги кунда сайлов тизимига замонавий ахборот-технологияларини қўллаш, электрон

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.law.stanford.edu>, <https://www.bc.edu>, <https://law.ucla.edu>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.yale.edu>, <https://www.jhu.edu>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.qmul.ac.uk>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.uni-muenchen.de>, <http://www.pantheonsorbonne.fr>, <http://en.nagoya-u.ac.jp>, <https://www.msu.ru>, <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>, <https://spbu.ru>, <https://www.utoronto.ca>, <https://www.utwente.nl/en/>, <https://bsu.edu.az/en/>.

сайлов, онлайн овоз бериш тизимларини жорий этиш жиҳатларини таҳлил этишган (Yale University, Johns Hopkins University)¹.

Европа Иттифоқи мамлакатларидаги тадқиқотларда сайловлар демократик давлатнинг асосий элементи, сайлов тизими мамлакатда демократиянинг асоси, сайлов институти давлат ва фуқаролар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш воситаси эканлигига оид конституциявий принципларни асослашга ҳаракат қилиниб, сайловларга халқ ҳокимиятчилиги принциплари нуқтаи назаридан ёндошиб, сайловлар ва демократия, вакиллик ва ҳисобдорлик жиҳатларига, хусусан сайловларнинг легитимлиги даражасига алоҳида аҳамият берилган. Сайловнинг умумийлик принципини таъминлаш, унда нодавлат секторининг иштироки масалалари ўрганилган (University of Twente, Queen Mary University, Munchen Universitdt)².

МДХ давлатларида олиб борилган тадқиқотларда сайлов тизимларининг ривожланиш тарихи, сайлов тизимларини классификация қилишда мажоритар, пропорционал ва аралаш тизимларнинг қўллаш самарадорлиги, уларнинг устунлик жиҳатлари мамлакат ҳуқуқ тизими ва сиёсий анъаналарга боғлиқлик даражаси таҳлил этилган. Уларда сайловлар демократик давлатнинг асосий элементларидан бири эканлиги, сайлов тизимининг мавжудлиги мамлакатда демократия даражасини белгилаши, сайлов тизимлари ҳамон ривожланиш жараёнида эканлигига оид қарашлар илгари сурилган (Baku State University, МДУ, Москва давлат юридик университети, Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Санкт-Петербург давлат университети)³.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда сайлов тизимининг институционал (ҳуқуқий) асосларининг у ёки бу жиҳатлари билан боғлиқ тадқиқотлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилган:

биринчидан, тадқиқот ишининг назарий-методологик ва концептуал жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев асарларида ёритиб берилган. Ушбу асарларда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида сайлов комиссиялари фаолиятини такомиллаштиришга оид концептуал ғоя ва фикрлар мавжуд⁴;

иккинчидан, Ўзбекистонда сайлов тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид назарий фикрлар Ш.З.Ўразаев, А.Х.Саидов, А.А.Азизхўжаев, М.Э.Абдусаломов, Х.А.Абдурахманов, С.М.Адилходжаева, Д.Қ.Аҳмедов, Н.П.Азизов, М.А.Ахмедшаева, И.Р.Беков, М.Бойдадаев, Ш.Н.Бердияров, Қ.А.Джўраев, Ш.Х.Зулфиқоров, Г.Р.Маликова, Х.Т.Маматов, М.М.Миракулов, Ў.Х.Мухамедов, Ф.А.Насриддинов, Н.М.Исмоилов, Г.С.Исмаилова, Х.Т.Одилқориев, А.Э.Рахманов, Д.Ф.Рахимов, Х.И.Рузметов, М.Х.Рустамбоев, Н.Ш.Саид-Газиева, А.Б.Собиров, И.Т.Гультеев, А.С.Турсунов, И.Т.Турғунов, Р.Р.Ҳакимов, Э.Х.Ҳалилов, О.Т.Хусанов, Ш.У.Якубов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган⁵;

¹ <https://www.yale.edu>, <https://www.jhu.edu>

² <https://www.utwente.nl/en/>, <https://www.qmul.ac.uk>, <https://www.uni-muenchen.de>

³ <http://bsu.edu.az/en/>, <https://www.msu.ru>, <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>, <https://spbu.ru>

⁴ Мазкур асарларнинг рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилади.

⁵ Мазкур олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

учинчидан, сайлов тизимининг институционаллашувига оид масалалар давлат-ҳуқуқий фанлар нуқтаи назаридан хорижлик мутахассислар Жак Томассен (Нидерландия), Томас Джильпен (АҚШ), Виктор Консидеран (Швейцария), Халил-Зода Фуад (Озарбайжон), Пауэлл Дж. Бингхэм (АҚШ), Винрих Кюне (Германия), Ш. Л. Монтеस्कье (Франция), Ж. Локк (Буюк Британия), С. А. Авакьян, С. С. Алексеев, К. В. Арановский, М. В. Баглай, А. Иойриш, В. В. Лазарев, Э. Лейкман, В. В. Маклаков, Н. А. Михалева, В. С. Нерсисянц, Ж. Е. Новак, В. Е. Чиркин, А.Е.Любаревларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган¹.

Бирок, юкорида номлари келтирилган олимларнинг айримлари сайлов тизими ва унинг институционаллашуви муаммоларини тегишли давлатларнинг воқелигидан келиб чиқиб ўрганган бўлсалар, бошқалари мазкур муаммоларни ўз тадқиқотларининг у ёки бу жиҳатини ёритиш жараёнида кўриб чиққанлар, мамлакатимизда сайлов тизимини шакллантириш билан боғлиқ назарий-ҳуқуқий муаммолар яхлит, комплекс тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти хузуридаги Илмий Кенгашнинг 2018 йил 30 ноябрь куни 4-сонли мажлис баённомаси (1-масала) қарори билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда демократик сайлов тизимининг шаклланиши, унинг институционаллашуви ва қонунчилик асосларини такомиллаштиришга оид назарий ва конституциявий-ҳуқуқий масалалар бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида сайлов тизими, унинг моҳияти ва турлари ҳамда халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш шакли сифатида сайлов институтининг ҳуқуқий механизмларини таҳлил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов ҳуқуқи асосларининг ривожланишини ўрганиш, бу борадаги конституциявий ислохотларнинг тадрижийлиги ва изчиллигини асослантириш;

миллий сайлов тизимининг институционал шаклланиши жараёнлари, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг сайловларда иштирокини таъминлашга оид конституциявий-ҳуқуқий асосларни тадқиқ этиш;

фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг таъминланиши ва кафолатланишига оид конституциявий-ҳуқуқий масалаларини ўрганиш;

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ва либераллаштириш шароитида сайлов жараёнининг институционал шакллари вужудга келиши тенденцияларини тадқиқ этиш;

сайловларни ташкил этишни халқаро сайлов андозаларига мослаштириш бўйича амалга оширилган ислохотларни таҳлил этиш, бу борадаги конституциявий ислохотларнинг тадрижийлиги ва изчиллигини асослантириш;

¹ Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

сайлов комиссиялари ҳуқуқий мақоми, функцияси ва фаолиятининг мазмун-моҳияти, мазкур субъектларнинг сайловдаги иштирокига оид конституциявий-ҳуқуқий принципларини тадқиқ этиш;

фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун шарт-шароит яратиш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтиришга оид жараёнларни таҳлил қилиш;

айрим хорижий мамлакатларда адолатли ва демократик сайлов тизимини вужудга келиши ва ривожланиши, Президентлик, парламент ва маҳаллий вакиллик органлари сайловининг институционаллашуви хусусиятларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш асосида уларнинг ижобий тажрибасини мамлакатимиз қонунларига татбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз сайлов тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уни такомиллаштириш истиқболларининг йўналишларини асослаш;

фаол демократик ислоҳотлар шароитида сайлов жараёни иштирокчилари ўртасидаги мувозанатни мақбуллаштириш, сайловлар молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш йўналишларига оид таклиф ва тавсияларни илгари суриш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда демократик сайлов тизимининг шаклланиши, ривожланиши, миллий сайлов тизимининг институционаллашуви ва ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг сайлов тизимида оид қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндошувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда Президент Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари методологик асос ҳисобланади, тадқиқотни олиб боришда илмий кузатиш, тарихийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар доирасида жойларда вакиллик органларининг роли ва аҳамиятини ошириш мақсадида Тошкент шаҳри таркибидаги туманларда вакиллик органлари – маҳаллий Кенгашлар институтини жорий этишга оид конституциявий-ҳуқуқий механизмларини белгилаш зарурати ва самарадорлиги исботланган;

парламент юқори палатаси шаклланиши тартибининг қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ эмаслиги, уни биринчи навбатда конституциявий нормалар билан, шунингдек Сайлов кодексида тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар орқали тартибга солиш тўғрисидаги тавсиялар асослантилган;

маҳаллий Кенгашлар – вакиллик институтларини шакллантиришда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга

эканлиги тўғрисидаги нормаларни Сайлов кодексида белгиланиши зарурати асосланган;

Марказий сайлов комиссияси аъзоси номзодларига талабларни кенгайтириш, уларнинг маълумоти, сиёсий партияларга мансуб эмаслиги, шахсий фазилатлари, тажриба ва малакаси, шунингдек сайлов қонунчилигини ўзлаштириш даражаси, ташкилотчилик қобилияти каби сифатларни Сайлов кодексида мустаҳкамланиши лозимлиги асосланган;

сайлов қонунчилигидаги сайлов куни овоз бериш вақти 6.00дан бошланиши ўрнига, соат 8.00 дан бошланади ва соат 20.00 гача ўтказилади, деган янги қоида киритилиши лозимлиги исботланган;

сайлов тизимига янгича таъриф берилиб, аввалги тушунчалар кенгайтирилган, сайлов тизимига замонавий ахборот-технологиялари жорий этилишининг сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий афзалликлари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ушбу тадқиқот натижалари хулоса, таклиф ва тавсиялар сайлов тизимининг янада такомиллаштирилишига, аниқланган муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қилган.

Кейинги вақтда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, барча сайлов ҳуқуқи нормаларини яхлит бир тўплам – Кодексида жамлаш амалга оширилди. Бундай иш мамлакатимизда биринчи бор амалга оширилганлиги сабабли, албатта бу борада ҳам айрим бўшлиқлар мавжуд бўлиб, тадқиқот натижалари ана шу камчиликларни бартараф этилишига ҳам таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш ва либераллаштириш шароитида самарали сайлов тизимининг шаклланиши ва айрим хорижий давлатлардаги сайлов тизимининг институционаллашуви жараёнларига доир масалалар қиёсий таққосланиб, тегишли хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

“Сайлов тизими”, “институционаллашув”, “сайлов технологиялари”, “интернет сайловлар”, “электрон овоз бериш” каби тушунчалар конституциявий-ҳуқуқий, сиёсий тизим ва давлат бошқаруви нуқтаи назардан чуқур ўрганилиб, аҳамияти кўрсатилган ҳамда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Конституциявий ҳуқуқ, Сайлов ҳуқуқи бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишда фойдаланилиши мумкин.

Диссертация натижаларининг жорий этилганлиги ҳақидаги далолатномалар ҳам ишнинг амалий аҳамиятини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Илмий изланиш якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар конституциявий ҳуқуқ фанида мавжуд бўлган илғор назарий ғояларни ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда қонунни қўллаш амалиётини чуқур таҳлил қилиш орқали асосланган.

Олинган тавсиялар ва хулосалар ўтказилган ижтимоий сўровномаларнинг натижаларига асосланган.

Чиқарилган илмий хулосалар муаллифнинг тадқиқотдан кўзланган мақсад

ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид қарашлари, таклиф-тавсиялари ҳамда статистик маълумотларни умумлаштиришга таянган ҳолда ишланган бўлиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, давлат ҳокимияти тизимида мувозанатни таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Сайлов ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ” фанларини илмий-назарий мустаҳкамлашда, бу фанлардан маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув, методик қўлланмалар учун фойдаланиш мумкинлигида ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши миллий сайлов тизимини мустаҳкамлаш, сайлов тизими субъектлари ўртасида мувозанатни таъминлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, сайлов кодексини амалга ошириш механизмларини ривожлантиришга, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида сайловларнинг ўрни ва аҳамиятига оид билимларни кенгайтиришга ҳамда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва электорал маданиятни оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда сайлов тизимининг институционал (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида жойларда вакиллик органларининг янгиланишлардаги роли ва аҳамиятини ошириш, сайлов қонунчилиги асосида Тошкент шаҳри таркибидаги туманларда ҳам туман Кенгашини шакллантириш ва уларга тегишли ваколатлар берилишига оид таклифлари “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-439-сон Қонунининг 1 ва 6-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 06/2–02-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар пойтахт туманларида сайловлар орқали вакиллик органлари институтини вужудга келтиришга оид конституциявий-ҳуқуқий механизмларнинг белгиланишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, яъни олий ҳудудий вакиллик ва қонунчилик органини шакллантириш масалалари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Низом билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ эмаслиги боис мазкур Низомдаги асосий қоидалар камида қонун ёки конституциявий қонуннинг тегишли нормаларида мустаҳкамланиши лозимлиги асосланган, шунингдек ҳамда аввал амалда бўлган “Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунининг 55-моддасидаги ҳаволаки норма ўрнига сайловга оид ягона ҳужжат – Сайлов кодекси орқали Олий Мажлиснинг ҳар икки палатасини шакллантиришга оид қоидалар батафсил ифодаланиши лозимлиги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 17 февралдаги 05/1-04-17А-сонли маълумотномаси) ҳақидаги ғоя ва таклифлар Сайлов кодексининг Сенатни шакллантириш тартиби деб номланган 14-бобидаги 75–87-моддаларда ўз аксини топган. Мазкур таклифлар парламент юқори палатаси шаклланиши тартибларининг Сайлов кодексида белгиланишига хизмат қилган;

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга бўлиши керак деган нормани мустаҳкамлашга оид таклиф Сайлов кодексининг маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби деб номланган 91-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 17 февралдаги 05/1-04-17А-сонли маълумотномаси). Ушбу қоидаларнинг жорий этилиши аввал амалда бўлган қонунда акс этган Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияларининг аъзолари, шунингдек участка сайлов комиссияларининг аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тасдиқланиши (16-модда) ҳамда бир пайтнинг ўзида ҳам сайлов комиссияларига, ҳам депутатликка номзод кўрсатилишига оид норма (20-модда) бўйича келиб чиқаётган муаммоларнинг ечимига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзосига кўрсатилаётган номзодларга қўйиладиган талабларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича тадқиқотчи томонидан билдирилган, яъни, уларнинг маълумоти, сиёсий партияларга мансуб эмаслиги, шахсий фазилатлари, тажриба ва малакаси, хусусан сайлов қонунчилигини маъно-моҳиятини ўзлаштирганлик даражаси, сайлов ўтказишга доир ташкилотчилик қобилияти каби бир қатор хусусиятларга эга бўлган сифатларни сайлов комиссияси аъзолигига қўйиладиган талаблар қаторида алоҳида нормаларда мустаҳкамланиши лозимлиги асосланган. Мазкур ғоя ва тавсиялар шу боис Сайлов кодексининг Марказий сайлов комиссиясига аъзолик деб номланган 13-моддасида акс этган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 4 мартдаги 05/1-07-23А-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши Марказий сайлов комиссияси аъзоларини танлаш ҳуқуқлари ва субъектлар доирасини кенгайтирган ва аниқлаштирган;

Сайловга оид қонунларда «Овоз бериш вақти ва жойи»га оид қоидаларни шарт-шароитларни ҳисобга олиб, “Овоз бериш сайлов куни соат 8.00 дан соат 20.00 гача ўтказилади” деган қоидалар билан алмаштириш бўйича асосланган таклифлар Сайлов кодексининг 51-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 4 мартдаги 05/1-07-23А-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар сайловчилар ва сайлов комиссияси иши самарадорлигини ошириш ва қулайлик яратишга хизмат қилган;

“Сайлов тизими” ва “сиёсий ҳуқуқлар”га доир концептуал ғоя ва таклифлардан “юриспруденция” йўналиши талабалари учун “Конституциявий ҳуқуқ” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 й., 654-227 рақамли гувоҳномаси) дарслиги ишлаб чиқишда фойдаланилганлиги (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг 2020 йил 25 мартдаги 27-сон маълумотномаси) ушбу мутахассислик бўйича таълим олаётган бакалавр, магистрантлар, шунингдек, Ўзбекистондаги сайлов жараёни субъектларининг ҳуқуқий билим, ўқув ва илмий кўникмаларини шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган;

“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизими ва уларнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари”, “Маҳаллий вакиллик органларини шакллантириш тартиби ва принциплари”, “Халқ депутатлари вилоят, туман, ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми”га доир концептуал ғоя ва таклифлардан “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчилари учун “Маҳаллий бошқарув” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2017 й., 67-401 рақамли гувоҳномаси) дарслиги ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2020 йил 12 майдаги 03/346-сон маълумотномаси). Натижада ушбу мутахассислик бўйича таълим олаётган магистрантлар шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хизматчилари ҳуқуқий билим ва амалий кўникмаларини янада оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та (8 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот

натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **Ўзбекистонда демократик сайлов тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг назарий ва конституциявий-ҳуқуқий асослари** деб номланиб, унда сайлов тизими тушунчаси, моҳияти ва турлари ҳамда унинг сиёсий тизимдаги ўрни, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайловнинг ўрни ва такомиллашиб бориши, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов ҳуқуқи асосларининг ривожланиши таҳлил қилинган.

Мазкур бобда, сайлов тизими тушунчасига оид ёндашувлар, унинг сиёсий-ҳуқуқий категория сифатида қўлланилишига оид қарашлар, сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар илгари сурилган. Хусусан, сайлов тизими сиёсий-ҳуқуқий категория сифатида кенг ва тор маънода қўлланилиши ва уни аниқ белгиланиши сайлов жараёнининг кетма-кетлигига асосланган даврий (муддатли) чегаралардан келиб чиқиши таъкидланган.

Муаллифнинг фикрича, сайлов тизими тушунчаси, моҳиятини ўрганиш шуни кўрсатадики – бу институт халқ суверенитетини амалга оширишнинг энг кучли механизмларидан бири ҳисобланади ва бошқа конституциявий институтлар билан боғлиқликда ривожланади. Сайлов тизимининг ривожланиши, такомиллашуви, демократлашувига давлатнинг сиёсий тизими, иқтисодий тизими, фуқароларнинг онгги, умумбашарий қадриятлар таъсир қилади. Ўз навбатида сайлов тизимининг ривожланиши сиёсий тизимни, фуқаролар онгги, ҳуқуқий маданияти, халқни ҳокимиятга ишончини ошишига олиб келади.

Тадқиқотчи, ҳозирги даврда турли мамлакатлардаги сайлов тизимлари хилма хил эканлиги, барча тизимлар одатда, уч ёки тўртта катта гуруҳни ташкил қилса-да, аммо ҳар бир гуруҳ ичидаги муайян тизимлар бир-биридан жиддий фарқ қилиши мумкинлиги сабабли турли давлатларда амалда бўлган тизимларни янада батафсилроқ классификациялаш, тавсифлаш зурурлигини таъкидлаган.

Диссертант, сайлов тизими борасида россиялик олимлар И.В.Граф ҳамда Д.Г.Жаромскихларнинг “Сайлов тизими кенг маънода сайлов билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишини билдиради, унда ҳам сайлов тизими фақат давлат органларига сайлов билан чегараланади”¹, О.Т.Хусановнинг “сайлов тизими – бу сайлов ўтказилиши тартиби ва шу тартибларни мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси дир. Сайлов ўтказиш тартиблари ҳуқуқий нормалар билан белгиланади ва улар биргаликда сайлов тизимини ташкил этади”² каби қарашларига муносабат билдириб, ўзининг қуйидаги муаллифлик таърифини илгари сурган “сайлов тизими – муайян мамлакатда

¹ И.В. Граф, Д.Г. Жаромских. Конституционное право зарубежных стран, Тюмень, изд-во Тюмен.гос.ун-та. - 2000. - 219 с.

² Husanov O.T. Konstitutsiyaviy huquq. – T.: Adolat, 2013. – B.298.

сайлаб қўйиладиган органларни, мансабдор шахсларни (шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш ҳам бунинг ичига киради) сайлаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар, сиёсий анъаналар, таомиллар ҳамда уларни ўрнатувчи ва тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Муаллифнинг сайлов тизими ҳақидаги аввалги тушунчаларга нисбатан, кенгроқ таърифи, сайловлар нафақат давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини ташкил қилишда қўлланилиши, сайловдаги бошқа тузилмаларни тузишда ҳам фойдаланиш ҳақидаги амалиётни ўрганиш жараёнида вужудга келган.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг шаклланиши мамлакат конституциявий ривожланишининг маҳсулидир, шу билан бирга шу ривожланишга таъсир қилувчи, жамиятни демократлаштиришга шароит яратувчи институтдир. Сайлов тизими фуқаролик жамияти ва давлатнинг боғловчи муҳим ворситадир. Жак Томассеннинг “кўпчилик нуқтаи назаридан, сайловларнинг энг муҳим вазифаси ҳукуматни танлашдир. Сайловларнинг асосий вазифаси парламент аъзоларини сайлаш бўлиб, улар биргаликда электоратнинг имкон қадар кенг вакиллигини таъминлаши керак”¹, А.Х.Саидовнинг “сайлов тизими сайлов ўтказиш тартибларининг ҳамда уларни ўрнатувчи ҳуқуқий нормаларнинг мажмуи ҳисобланади. Сайлов тизими давлат вакиллик органларини шакллантириш юзасидан мавжуд бўлган ва фуқароларни сайловга жалб этиш, сайловларни ташкил қилиш ва номзодларнинг сайловчилар билан ўзаро муносабатларини белгилайдиган тартибини, фуқароларнинг барча сайлов ҳуқуқларини ўз ичига олиши”² ҳақидаги фикрларига таяниб, диссертант сайлов жараёнини нафақат овоз беришни ташкил қилишнинг юридик техникаси, балки у давлат ҳокимиятининг сиёсий барқарорлиги, узлуксизлиги, халқчиллиги ва қонунийлигини таъминловчи ҳуқуқий институт сифатида баҳоланиши лозимлигини таъкидлаб, сайлов тизими, моҳияти ва турлари каби тушунчаларга таъриф берган.

Шунингдек, ишда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайловнинг ўрни ва сайлов тизимини такомиллашиб, унинг ўзига хослиги ва уни ривожаниб боришини очиб берилган.

Конституция миллий сайлов тизимининг ҳуқуқий асоси эканлиги, унинг асосий қоидаларида давлат ҳокимиятининг ягона манбаи Ўзбекистон халқи эканлиги, ҳокимият фақат халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши, шунингдек, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқлари таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизими принципларига бағишланган махсус бобнинг мустаҳкамланиши мамлакатимизда сайлов қонунчилигини шакллантиришнинг асоси эканлиги эътироф этилган. Асосий қонунда сайлов тизимининг, муҳим сайлов принципларининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши ва қафолатланишини таъминлаганлиги, иккинчидан,

¹ Elections and Democracy: Representation and Accountability by Jacques Thomassen. - University of Twente, Published to Oxford Scholarship Online, September 2014.

² Саидов А.Х. Парламент ислоҳоти: ўзбек модели. Ҳаёт ва қонун. 2002 йил. 2-сон. – Б. 3-8.

мазкур конституциявий қоидалар миллий сайлов қонунчилигини яратишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилганлиги асосланган.

Муаллиф хорижий тажриба ва миллий анъаналар ҳамда конституциявий принциплар асосида сайловга оид миллий қонунчилик тизимининг яратилиши ва унга оид ҳуқуқий асосларнинг ривожланиш даври асосий босқичлари бўйича олимлар Ш.Якубов, Х.Абдурахмонов, Ф.Насриддиновларнинг фикрларига муносабат билдириб, мамлакатимизда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш босқичларини демократик сайловларни жорий қилиш орқали сайлов тизимини ўзгартириш, сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг биринчи босқичи Ўзбекистон ҳали Иттифоқ таркибида турган вақтдан, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланганлигини мисоллар ёрдамида исботлаган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистон Республикаси миллий сайлов тизимининг институционаллашув жараёнлари”** деб номланиб, унда сайлов тизими институционал қиёфасининг шаклланиши ва ривожланиши, фуқаролар сайлов ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатланишини конституциявий-ҳуқуқий масалалари, сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этишининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиниши каби масалалар ёритилган. Бунда аввало, сайлов тизими институционаллашув жараёни, демократлашув, давлат қурилишидаги ислохотлар билан боғлиқлиги, шунингдек, сайлов тизими институционал жараёни демократик ислохотларни муваффақиятли олиб борилишига таъсири ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқарилган.

Диссертант томонидан илгари сурилган конституциявий-ҳуқуқий концепция доирасида Ўзбекистон сиёсий тизимида сайлов тизимининг институционаллашуви сайлов тизимининг институционал ривожланиши; сайлов жараёнининг институционал тизимларининг амал қилиши; сайлов тизимининг даражаси, субъекти, босқичларини туркумлаш; сиёсий тизимга институционал жиҳатдан интеграциялашуви; давлат ҳокимияти органлари тизимини конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш каби қатор жиҳатлар аниқланган ва уларга тавсиф берилган. Диссертацияда мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи нафақат қонунларда мустаҳкамлаб қолмай, балки ҳуқуқларни таъминлаш, кафолатлаш механизмини кучайиб бораётганлиги, бундан фуқаро ҳам, давлат ҳам бирдек манфаат кўриши асосланган.

“Институционаллашув” ягона бир фан соҳасига оид институт эмас, балки бир пайтнинг ўзида давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ ҳамда сиёсатшунослик фанларининг ҳам категорияси эканлиги, давлат ва ҳуқуқ назарияси институционаллашув моҳияти ва юридик табиатини ўрганса, конституциявий ҳуқуқ институционаллашув жараёнини миллий давлат ривожининг ажралмас белгиси ва механизми, халқаро ҳуқуқ эса давлатлараро муносабатнинг ва унинг демократиклигини белгиловчи муҳим принципи сифатида қаралишидан келиб чиқиб, тадқиқотчи, сайлов тизими институционал асосларини янада ривожлантириш, либераллаштириш ва сайлов амалиётини такомиллаштириш ҳамда электорат маданиятининг юксалтириш даври (2001–2015 йй.) – бу муддат мамлакатимизда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодиётни барқарор

ривожлантириш, сиёсий ҳаётни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнаган жараёнларга бой бўлганлиги алоҳида таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан Конституциянинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, 20 йил аввал бу борада қабул қилинган Миллий дастурни янгидан ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Парламентимиз жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича янги Миллий дастурни яратишда бош-қош бўлиши мақсадга мувофиқ”¹, - деган концептуал фикрлари асосида сайлов тизими негизида ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият энг вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишидаги ролини, моҳияти очиқ берилган.

Х.Т.Маматовнинг “Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш фуқаролардан сиёсий, ҳуқуқий, маънавий юксакликни талаб этиши”², А.В.Шемелиннинг “сайлов жараёнидаги сиёсий-ҳуқуқий ижтимоий муносабатларнинг маърифий даражасини кўтариш учун сайловчиларнинг, яъни электоратнинг маданий савиясини муттасил юксалтириб бориш талаб этилиши”³, Х.Т.Одилқориевнинг “сайлов кампанияси иштирокчилари фаолиятига қўйиладиган энг муҳим ва асосий талаблар”⁴, Ю.Л.Ипатованинг “электорат ҳуқуқий маданияти ўз таъриф-тавсифига, хусусиятларига эгаллиги”⁵ ҳақидаги фикрларини ўрганиш асосида муаллиф, электорат ҳуқуқий маданияти мазмунига ижтимоий онгда қарор топган кайфият, сайлов қонунчилиги ҳамда сайлов жараёнида уни қўлланиш амалиётига нисбатан шаклланган эмоционал муносабат, ижтимоий баҳолаш, сайловларда шахсан иштирок этишнинг зарурлиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини англаш, шунингдек, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчилари томонидан сайловга оид нормалар ва юриш-туриш намуналарининг ўзлаштирилиши кабилар киришини таъкидлаган.

Бунда ривожланган демократик давлатлар конституциявий-ҳуқуқий тараққиётининг асосий йўналиш ва тамойиллари негизида инсон манфаатлари ва халқ иродасини таъминлаш вазифаси мавжуд экан, ушбу вазифани амалга ошириш учун ҳар томонлама шароитлар яратиш давлат ҳокимияти органларига ва унинг мансабдор шахсларига катта масъулият юклайди. Диссертант, ушбу масалага ёндошиб, инсон ҳуқуқларига оид асосий қоидаларни Конституция ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Т.: «Ўзбекистон», 2017 й., 10-бет.

² Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши муаммолари. Монография. – Т., 2009, 193-бет.

³ Шемелин А. В. Избирательное право как политико-нормативная основа моделирования электорального поведения российских избирателей. Автореф. дисс. ... доктора политических наук. Читинский государственный университет.- Чита, 2011.- 40 с.

⁴ Одилқориев Х.Т. Сайлов жараёнининг ҳуқуқий маданияти // ТДЮИ Ахборотномаси, 2009, №7,3 –4-бетлар.

⁵ Шемелев А.В. юқорида кўрсатилган асар; Ипатова Ю.Л. Избирательный процесс современной России в региональном измерении. – Ярославль, 2010. – Б.16-20; Парфенова О.В. Электоральное поведение в условиях трансформации российского общества: автореферат дис. ... кандидата политических наук. Моск. гос. открытый пед. ун-т им. М.А. Шолохова. - Москва, 2006. - 24 с.

қонунларда мустақкамлаш, уларнинг амалда ижросини таъминлаш қанчалик қийин кечмасин, давлат ҳокимияти бу масаланинг самарали ечимини топишга шунчалик кўп интилиб бориши табиий ва зарурлигини таъкидлайди. Хусусан фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларининг бир шакли бўлган фуқаролар сайлов ҳуқуқларини таъминланиши ва қафолатланиши муҳим масалалардан ҳисобланишига урғу берган.

Тадқиқотчи, Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳам Экоҳаракат вакиллари¹ билан ҳамда 2019 йилнинг 22 август куни сиёсий партиялар раҳбарлари² билан бўлган учрашувларда партиялар фаолиятига нисбатан билдирган танқидий мулоҳазалари сиёсий партияларнинг нафақат сайловлардаги иштирокига, балки сайловлар оралиғидаги фаолиятини янада такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатиб, М.М.Миракулов, Ю.А.Юдин, М.Қирғизбоев, М.З.Эргашева, И.Р.Беков ва К.Т.Хамидовалар асарларида сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан турли хил қарашларига ўзининг танқидий муносабатини билдирган.

Тадқиқотчи таҳлиллар асосида, сиёсий партиялар маълум ижтимоий гуруҳ, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг муммоларини аниқлаш, аниқланган муаммоларни ҳал этишда ва уларни ечими бўйича қонунлар ва қарорларнинг муқобил лойиҳаларини давлат ҳокимияти органларига етказиш, қонунлар ва қарорларни қабул қилишда фаол иштирок этиш, қабул қилинган қонун ва қарорларни ижросини таъминлаш, мониторинг олиб бориш ҳамда парламент сўрови, депутат сўрови, ҳукумат соатлари ва бошқа парламент назорати институтларидан кенг фойдаланишлари лозимлигини таъкидлайди.

Ишнинг **“Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ва либераллаштириш шароитида сайлов жараёнининг институционал шакллари”** деб номланган учинчи бобида мамлакатда сайловларни ташкил этишни халқаро сайлов андозаларга мослаштириш, сайлов комиссиялари ҳуқуқий мақоми, функциялари ва фаолиятини конституциявий-ҳуқуқий принциплари, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари қафолатларини ҳамда сайлов жараёнларида фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш демократик сайлов тизими асосий шарти эканлиги масалаларини тадқиқ этилган.

Замонавий давлатнинг дунёдаги ўзгариш ва янгиланишларни ҳисобга олмасдан танҳо ривожланиши мушқил масала. Бу жиҳат сайлов қонунчилиги ва жараёнига ҳам бевосита тааллуқлидир: биринчидан, мамлакат сайлов ҳуқуқи халқ ҳокимиятини яққол намоён қиладиган фуқаролар манфаати билан боғлиқ муҳим конституциявий институт бўлганлиги боис у нафақат давлат ичида балки дунё ҳамжамияти нигоҳида ҳам бўлади. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган

¹ Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижросиси бўлиши керак. <http://uza.uz/oz/> -12.07.2017.

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 16.

қоидаларининг устунлиги”¹ эътироф этилади ва тўлиқ тан олинади. Шу мақсадда Ўзбекистон сайлов қонунчилигини эркин демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро сайлов андозалари ақс этган халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига мослаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу масалага оид амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқларга ишда баҳо берилиб, мазкур жараёни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Инсон ҳуқуқлари халқаро миқёсда кенг ҳимоя қилинар экан, бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига ҳам тааллуқлидир. Халқаро муносабатлар сайлов ҳуқуқи ривожланишига ҳам бевосита таъсир қилиб, барча учун маъқул қоидаларга, талабларга риоя этилиши мақсадга мувофиқ эканлиги эътироф этилди. “Умумий талаблар узоқ вақт синовдан ўтган, кўпчилик эътироф этган қоидалардир. Улар демократиянинг асосий кўрсаткичлари бўлиб, айниқса, сайлов ўтказишда муҳим аҳамиятга эга”² эканлигини, “ҳар қандай демократик давлатда сайловлар энг муҳим сиёсий воқеа ҳисобланиб, у давлатнинг истиқболга мўлжалланган танлови ва стратегиясини белгилайди. Давлат ҳокимияти органларини сайлов орқали шакллантириш йўли мамлакатдаги конституциявий тузумнинг демократия тамойилларига асосланганлигини намоён этувчи кўрсаткичларидан бири ҳисобланади”³, “бугунги кунда дунёда сайловлар тўғрисида яхлит халқаро-ҳуқуқий нормалар тизимини яратиш тенденцияси кўзга ташланади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб сайлов ҳуқуқлари ва инсон эркинликлари ҳам универсал, ҳам минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан жиддий эътибор қаратиладиган масалага айланди”⁴ деган ғояларни таҳлил қилган диссертант, бу борадаги энг муҳим масалалар – сайлов ўтказувчи органлар (тузилмалар) давлат ҳокимиятидан ҳолис бўлиши масаласини аниқлаштириш, уларнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатиш эканлиги, шу масалада қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган аниқ таклифларни илгари сурган.

Ушбу таҳлиллар натижасида тадқиқотчи Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг жамият ва давлат ҳаётини эркинлаштиришдаги аҳамияти ҳамда уларнинг миллий сайлов тизимига ижобий таъсирини, ушбу ислохотларнинг умуминсоний қадриятларга мос ҳолда босқичма-босқич амалга оширилганлигини асослаган.

Муаллиф сайловларнинг универсал халқаро стандартлари ва сайлов стандартлари борасидаги бир қатор минтақавий ҳужжатларни таҳлил этиш натижасида, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоялаш тўғрисидаги Европа конвенцияси (1950 йил), Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси (1969 йил), Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2019. – Б.3.

² Xusanov O. Saylovlarga qo'yiladigan xalqaro talablar va ularning O'zbekiston qonunchiligida mustahkamlanishi. Demokratik saylovlar o'tkazishning xalqaro standartlari va O'zbekiston qonunchiligi. (Xalqaro konferensiya materillari). –Т., 2009. – В.39.

³ Абдусаломов М. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистонда демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишдаги ўрни ва аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси, 2014. №1, – Тошкент, “O'zbekiston” НМИУ. –Б.5.

⁴ Саидов А.Х. Президент сайлови: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон миллий тажрибаси / А.Х.Саидов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.13.

(1986 йил) каби халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари тимсолида халқаро сайлов андозаларига жиддий аҳамият қаратади ва Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) демократик сайловлар соҳасидаги асосий андозалари Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатидаги (1990), жумладан сайловлар жараёнларида соғлом сиёсий рақобатни кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари иштироки доирасини кенгайтиришга доир қоидаларни миллий қонунларга имплементация қилиниши лозимлигини асослаган.

Шу билан бирга, сайлов комиссиялари ҳуқуқий мақоми, функцияси ва фаолиятига оид конституциявий-ҳуқуқий принциплар таҳлил этилиб, Марказий сайлов комиссияси ҳуқуқий мақомининг конституцияда мустақамланиши унинг сайлов тизимига таъсири, аҳамиятига тўхталиб, диссертант Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилиши, фаолиятига хос асосий принципларни конституцияда мустақамланиши миллий сайлов тизимининг ўзига хос ва устун жиҳати эканлиги, сайлов тизимида субъектлари таркибида сайловларни ташкил қилишга масъул мустақил органнинг яратилишида муҳим ҳуқуқий қафолат бўлишини исботлаган.

Сайловларнинг демократик ўтиши учун кўпчилик хорижий давлатларда махсус, давлат ҳокимияти тизимига кирмайдиган алоҳида органлар ташкил қилиши сайлов тажрибасида кенг қўлланилиши, бундай органларни тузиш ва уларга сайлов ўтказишни юклаш, адолатли сайловларни ўтказилиши учун мазкур жараёнга давлат органларининг иложи борица аралашувини камайтириш, чегаралашни назарда тутиш керакли бўйича қарашлари баён қилинган.

Баъзи мамлакатларда эса сайловларни ўтказиш давлат органларига, тегишли вазирликларга юкланиб, сайловни ташкил қилиш ва уни ўтказиш ҳокимиятнинг тўлиқ назорати ва аралашувида бўлади¹, диссертант Германия, Россия, Дания, Австрия, Финляндия, Венгрия ва Франция давлатларида сайловни ўтказишга масъул бўлган органлари фаолиятини ҳам таҳлил қилган.

Бундан ташқари, диссертацияда сайлов комиссияларининг сайловларнинг қонуний ўтиши, қонунларнинг бир хилда бажарилиши, қонун бузилишларининг олдини олиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, сайлов ҳуқуқининг умумий принциплари: умумий, тенг, тўғридан тўғри, яширин овоз беришни таъминлаб, сайловларни эркин, ихтиёрий, ошқора ўтиши учун тегишли чораларни кўриш, сайловолди ташвиқот ишларини ташкил этиш, уларга шароит яратиб бериш ва бу ишга жамоатчиликни жалб этиши каби функциялари алоҳида очиб берилган.

Сайловда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари масаласини ёритишда, ихтиёрийлик ва эркинлик принциплари бир бири билан боғлиқликда ўрганилган. Тадқиқотчи, бу борада Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг Саҳиҳул Бухорий асарига ҳам мурожаат этиб, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васалламдан кейин рошид халифалар даврида ҳам, кейинги асрларда ҳам халқ вакилларининг ўрни катта бўлганлиги, улар халифа ва амирларни сайлашда ҳам бевосита халқнинг номидан иш кўришганини алоҳида ўрганиб, бу ҳақида маълумотлар борлигини таъкидлайди. Масалан, қадимги фикҳий китобларда улар «аҳлул-ҳалли вал-ъақд» (яъни сиёсий ишларни бекор

¹ Конституционное право зарубежных стран. –М.: Норма, 2010. –С.241.

қилувчи ва тузувчилар) деб аталган. Бу ҳақида Имом Бухорий ўзининг «Саҳиҳ»ида алоҳида бобни «одамларга оқсоқол бўлганлар ҳақида» деб номлайди ва унда одамлар маълум ишларда юқори раҳбарга оқсоқоллар орқали ўз сўзларини етказишлари тавсия қилинган ҳадисни келтиради¹.

Диссертант, Ўзбекистонда сайловларда, овоз беришда иштирок этмаганлик учун ҳеч қандай чора ёки жазо кўриш тартиби йўқлиги, аммо айрим хорижий мамлакатларда сайловларда иштирок этмаганлик учун айрим жазо чоралари мавжудлигидан келиб чиқиб (Греция, Туркия), миллий қонунчиликка ҳам бундай чоранинг киритилиши зарурати мавжудлигини кўрсатган.

Диссертацияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32-моддасида мамлакатимиз фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга экани ва бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга ошириши, уларни таъминлаш механизмлари хорижий мамлакатлар конституциялари билан қиёсий таҳлил қилган. Жумладан, муаллиф сайлов тизими ва жараёнида жамоатчилик назорати соҳасидаги хорижий тажрибани қиёсий ўрганиш асосида Ўзбекистондан фарқли равишда ушбу институтга аксарият давлатларнинг конституцияларида нормалар мавжуд эмаслиги, шунингдек ХХР, Таиланд, Венесуэлада унга оид билвосита нормалар эканлигини танқидий баҳолаб, МДҲ давлатларининг бу йўналишда асосан “модель” ёки “ҳадли” қонунлар шаклида қабул қилиш йўлидан бораётганлигини келтиради.

“Ҳозирги даврда миллий сайлов тизимининг институционаллашуви ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш истиқболлари” деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобида тадқиқот натижасида келинган хулосалар асосида миллий сайлов тизимининг институционаллашуви ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш истиқболлари ҳақида мушоҳада юритилган. сайлов тизимининг асосий қисми бўлган Президент сайлови, парламент сайлови ва маҳаллий Кенгашларга сайлов билан боғлиқ муносабатлар, унга оид қонунчиликни такомиллаштирилишига эътибор қаратилган. Президент сайлови, парламент сайлови ва маҳаллий Кенгашга депутатлар сайловида умумийлик мавжуд бўлсада, уларнинг ҳар бирида ўзига хослик ҳам мавжуд. Ишда ана шу ўзига хослик аниқланган. Хусусан, Сайлов кодексида мазкур сайловлар учун умумий бўлган асосий принципларнинг универсал хусусусиятларини мазмун-моҳиятини очиб берилган, шунингдек президент ва вакиллик органлари сайлов жараёни босқичларининг тартиб-таомилларига оид фарқлар, шунингдек уларнинг аниқ мақсад ва вазифалари санаб ўтилган.

Тадқиқотчи ҳозирги кунда БМТга аъзо бўлган жами 193 та мамлакатнинг 130 дан ортиғида давлат бошлиғи сифатида сайлаб қўйиладиган президентлик

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олтин Силсила-Саҳиҳул Бухорий 8-жуз, Hilol-Nashr. 2018. 7176, 7177-ҳадис.

лавозимининг таъсис этилиши тенденцияларини ўрганиб, сайлов тизимлари хусусиятларини белгилашда давлат бошлиғининг сайланиш тартиби кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги, айниқса бу масала президентлик республикаларида сиёсий тизимнинг ажралмас таркибий қисми сифатида муҳим ўрин тутишини асослаган. Шу боис, замонавий сайлов тизимларида президентлик сайловига бўлган жуда катта эътибор, унга оид сайлов қонунчилиги ривожланиши тенденцияларини ҳисобга олиниши, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид фундаментал ҳуқуқларини тўлиқ таъминланишига эриш бўйича фикрларни илгари суради. Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалаларини ҳал этишга масъул олий мансабдор шахси сифатида унга доир Конституцияда белгиланган “айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас” нормасини чиқариб ташлаш билан боғлиқ сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда бу тартибни амалиётга жорий этиш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсияларни илгари сурган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қўйилган талаблар белгиланган. Мазкур талаблардан “айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас” нормасини чиқариш “Ўзбекистонда туғилганлик” сўзларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Худди шундай қонуннинг Сайлов кодексининг 61-моддасига қўшиш зарур ҳисобланади.

Давлат бошлиғи институти ва сайлов тизимининг ўзаро бир бири билан боғлиқ жиҳатлари конституцияларда акс этган. Шу боис, хорижий мамлакатларда президентнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи турли тартиблар мавжуд. Масалан, айрим давлатларда Президент ижро ҳокимиятининг бошлиғи ва олий мансабдор шахс ҳисобланади. Бу модель президентни давлат бошқаруви аппаратида раҳбарлик қилишга йўналтиради. “Президент – “хўжа кўрсин”га эмас, давлатнинг ҳақиқий бошлиғи, ҳукуматнинг ҳақиқий раҳбари ҳисобланади¹, - деган ғояни, Афлотун эса, мансабдорларнинг тўғри тайинлаш улкан фойда келтиради², А.Н.Фаробий “ҳукмдорни фақатгина халқ етакчиси эмас, балки жамият саломатлигига бефарқ бўлмайдиган, унинг руҳиятидан ҳамиша хабардор бўлиб турадиган малҳам деб билган”. Шарқ мутафаккири Алишер Навоий эса “адолатли подшоҳ деб, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қила оладиган, унинг бажарилишига кафолат бера оладиган, қонун устуворлиги асосида иш юрита оладиган, жамоат тартибини сақлай оладиган зотни билган”³.

Буюк саркарда Амир Темур, давлатни бошқаришда инсонларни тушуниш, барчага баробар бўлиш ва халқ манфаатларини инобатга олиш тарафдори бўлган. Раҳбардан ўзи идора этиб турган жамоанинг руҳий кайфиятини, ички кечинмаларини етук билишни талаб этган⁴. Тадқиқотчи мазкур фикрларга

¹ Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 564.

² Абу Носир Фаробийнинг “Фозил одамлар шахри”// Абдулла Қодирий халқ мероси. 1993 йил. Б.41.

³ А.Навоий Хамса. “Садди Искандарий”/ 1485.

⁴ Бобоев Ҳ. Амир Темур ва темурийлар салтанати. - Т.: Камалак, 2006. – Б. 199.

таянган ҳолда турли ривожланган хорижий давлатлар (Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Хитой) тажрибасини ҳам қиёсий тадқиқ қилиб, қатор таклиф ва тавсияларини илгари сурган. Масалан, демократик ва самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси тарихан қисқа давр ичида жуда мураккаб ижтимоий муносабатлар синовидан ўтгани, Ҳаракатлар стратегияси негизида республика бошқарув тизимига мос демократик сайлов тизими институционаллашуви жараёнлари юқори суръатларда амалга оширилишининг жиҳатлари қиёсий таҳлил қилган.

Ишда Олий Мажлис палаталарига ўтказиладиган сайловларга оид масалалар таҳлил этилиб, ушбу сайловларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб, А.А.Азизхўжаев, Р.Р.Ҳакимов, М.Х.Рустамбоев, хориж олимларидан Марк Хуг ва Дитер Стаерс, Н.А.Богданов, Т.Я.Хабриева, М.Ю.Тихомировларни парламент сайловлари уларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан билдирган фикрлари таҳлил қилиниб, ўзининг фикр-мулоҳазалари билдирилган. Муаллиф, ҳар қандай сайловда сайловчиларнинг хоши-истаклари унда асосий ўрин тутиши, уларнинг қарашларини юксак қадрланиши, электоратни ташвишга солаётган ижтимоий-сиёсий масалалар тинимсиз эътиборда бўлиши кераклиги, парламент умумманфаатга асосланиб иш кўрадиган халқ маслаҳат йиғини бўлиши кераклиги сайлов тизимининг пировард мақсади деган хулосага келади.

Шу билан бирга, тадқиқотчи ишда парламент сайловига оид қонунчилик ва сайлов амалиётини таҳлил қилган ҳолда 2009 ва 2014 йилда парламент сайловларида қуйи палата таркибида Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ажратилган 15та ўрин бўйича, истисно тариқасида, Экоҳаракат конференциясида делегатлар томонидан билвосита сайланишини сайлов тизими асосий принципларига зид бўлганини, умумий, тенг, бир сайловчи бир овозга эга принципларини бузилиши деб ҳисоблайди.

Диссертант томонидан маҳаллий Кенгашлар ўтказиладиган сайловларнинг ҳуқуқий асослари ўрганилиб, мавжуд тартиб-таомилларни янада мақбуллаштириш тўғрисида, жумладан, Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияларининг аъзолари тоифаси, уларнинг депутатликка номзодлар билан муносабатларида манфаатлар тўқнашуви бўлмаслигига оид фикрлар асосланган.

Ишнинг ушбу бобида, сайловларда қўлланилаётган сайлов технологиялари, уларни қўллаш, қўллаш натижалари кўрсатилиб, сайлов технологияларидан унумли фойдаланиш сайловда ғалаба омили эканлиги ҳақида фикр билдирилади. Сайлов технологияларидан фойдаланиш, эркин хоши-ирода билдиришга зид бўлмаслиги, бунинг учун тегишли чора-тадбирлар белгиланиши ҳам асосланган.

Жаҳон сайлов ўтказиш тажрибаси, ахборот-технологиялардан кенг фойдаланиш йўлидан кетмоқда. Жумладан, тадқиқотчи сайлов тизимлари ривож тенденцияларидан келиб чиқиб, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг, шу жумладан интернет тармоғининг турли соҳаларга кириб келиши билан “электрон ҳукумат”, “рақамли иқтисодиёт”, “сайлов технологиялари”, “интернет сайловлар”, “электрон овоз бериш” каби бир қатор

янги атамаларни таҳлил қилиб, замонавий технологиялар мамлакатимиз сайлов тизимига жорий этилиши сайлов жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун, ундаги тартиб-таомилларни сайлов жараёни субъектлари учун янада қулай, шаффоф ва объектив бўлиши учун кенг имкониятларни яратиб беришини исботлаган.

Ушбу усуллар Ўзбекистон сайлов жараёнларида ҳам қўлланила бошланди. Қабул қилинган “Сайлов тўғрисида”ги Кодексда ахборот-технологиялардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари ўз аксини топди. Диссертацияда охириги сайловда шу тажрибадан фойдаланиш натижалари умумлаштирилган ва тегишли хулосалар берилган. Тадқиқот ишида сайлов жараёнларида ахборот-технологияларидан янада кенгроқ фойдаланиш ғояси илгари суришдан, ҳамда фуқароларнинг эркин хоҳиш билдиришига, сайловларни адолатли ўтишига тўсқинлик қилмаслиги чора-тадбирларини кучайтириш таклиф қилинган.

АҚШнинг Принстон университети (Princeton University) олимларининг президент сайловлари бўйича электрон овоз бериш тизимини ижобий ва салбий томонларига оид ўтказган таҳлилларига таяниб, мамлакатимизда биринчи бор қўлланилган сайловчиларининг ягона электрон рўйхати (СЯЭР), сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (СЖБАТ)ни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланган. Қисқа давр ичида “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони (2018 йил 19 февраль), “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018 йил 4 октябрь), “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари (2018 йил 3 июль) қарорлари негизида миллий сайлов тизими соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, интернет тармоғининг жадал ривожланиши, “электрон ҳукумат”, “рақамли иқтисодиёт”, “сайлов технологиялари”, “интернет сайловлар”, “электрон овоз бериш” каби янги институтларни вужудга келиши истиқболларини асослантирилган.

Ишда замонавий сайлов жараёнларини янада, такомиллаштириш, демократлаштириш, умумий сайловларни кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга ҳам мулоҳазалар билдирилган. Муаллифнинг фикрига кўра, давлат ҳокимияти органларини шакллантириш тартиби моҳиятан сиёсий-ҳуқуқий механизм шаклида намоён бўлиб, бундай механизмни бир вақтнинг ўзида сайлов ҳуқуқи, сайлов жараёни ва технологиялари ташкил этади. Бунда сайлов ҳуқуқи сайланган шахсларнинг ҳокимият ваколатига эга бўлишини билдириб, жамият ва давлат фаолиятининг муайян қисмини ифода этса, сайлов жараёни сайловчиларнинг вакиллик ҳокимиятини амалга оширишдаги иштирокининг технологиясини акс эттиради. Демак, мақбул сайлов тизимини вужудга келтиришда авваллари, сиёсий тизим субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни самарали тартибга солиш, кейинги навбатда, сайлов жараёни субъектлари ўртасидаги муносабатларни турли замонавий усул ва технологияларни қўллаш орқали муайян йўналишга буриш ёки қонун доирасида қайсидир сиёсий технологиялардан фойдаланиш тўғрисида масала турган бўлса,

эндиликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг чексиз имкониятлар айнан сайловнинг барча босқич ва жараёнларида кенг фойдаланиш, қўллаш ва тизимга жорий этиш ҳақида турибди.

Диссертант, ўрганишлар давомида кейинги 15-20 ичида сайлов жараёнларини такомиллаштириш учун замонавий ахборот-технологиялардан фойдаланиш масаласи дунёнинг турли мамлакатларида ўта жадаллашиб бораётганлиги тенденциясидан келиб чиқиб, сайлов тизимида ахборот-технологияларидан фойдаланишда икки жиҳат унинг молиявий таъминоти ҳамда сайлов жараёни субъектлари ходимларидан АКТ соҳасида катта техник билимларни талаб этилиши масаласини биринчи навбатда ечилишини асослантиради. Шу билан бирга бунда агар сайлов ўтказувчи органлар бундай малакага эга бўлишмаса, сайлов жараёнларини ахборот-технологик таъминотини аутсорсинг йўли билан хусусий компанияларга ишониб топширилиши мумкинлигини истисно қилмайди. Аммо, бунда Шарқий Англия университети профессори Леонтин Лёбернинг “бунда хусусий компаниялар сайлов натижаларига таъсири, қизиқиш кўрсатиши ва холислик масаласига эътибор қаратиш лозим бўлади” деган фикрларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир¹.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг институционал, ҳуқуқий асослари ва механизмларни такомиллаштирилишига бағишланган илмий-тадқиқот ишининг натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди.

Илмий-назарий хулосалар:

1. Сайлов тизими тушунчаси, моҳиятини ўрганиш ушбу институт халқ суверенитетини амалга оширишнинг энг кучли механизмларидан бири эканлиги ва бошқа конституциявий институтлар билан боғлиқликда ривожланишини кўрсатади. Сайлов тизимининг ривожланиши, такомиллашуви, демократлашувига давлатнинг сиёсий, иқтисодий тизими, фуқароларнинг онги, умумбашарий кадриятлар таъсир қилади.

2. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг шаклланиши мамлакат конституциявий ривожланишининг махсули бўлиб, жамиятнинг демократлаштирилишига шароит яратувчи институтдир. Сайлов тизими фуқаролик жамияти ва давлатнинг боғловчи муҳим воситадир.

3. Конституциявий ҳуқуқ нормаларининг муайян ижтимоий шароитлар таъсирида институционаллашуви жараёни миллий сайлов тизимини фақат унинг ўзига хос бўлган, қисман бошқа институтлар билан боғлиқ нормалар иштирокида вужудга келиши, шаклланиши ва яхлит соҳа тармоғи сифатида мустаҳкам оёққа туриши, ўзаро боғланмаган тарқоқ муносабатларни институтларга, яъни ушбу муносабатларни белгиловчи қоидалар, нормалар ва ўзини ички тартибга солувчи ташкилий шаклга айланишдир.

¹ “The use of technology in the election process: Who governs?” by Leontine Loeber, University of East Anglia, ECPR Conference, Oslo, September 2017. P. 1–13.

4. “Институционаллашув” категориясининг моҳияти фанлараро хусусияти эга бўлиб, у фақат бир фан соҳасининг институти эмас, балки бир пайтнинг ўзида давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ ҳамда сиёсатшунослик фанларига ҳам тааллуқли илмий категория ҳисобланади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси институционаллашувнинг моҳияти ва юридик табиатини ўрганса, конституциявий ҳуқуқ фанида институционаллашув жараёнига миллий давлатчилик ривожланишининг ажралмас белгиси ва механизми сифатида, халқаро ҳуқуқда давлатлараро муносабатларнинг ва унинг нечоғлик демократиклигини белгиловчи муҳим принциплар сифатида ёндашилади.

5. Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимида сайлов тизимининг институционаллашуви жараёнлари ривожланишининг ва такомиллашувини қамраб олган замонавий конституциявий-ҳуқуқий концепция моделини ёритишда, объектив илмий баҳоланишида қуйидаги бешта: биринчиси, сайлов тизимининг институционал ривожланиши; иккинчиси, сайлов жараёни институционал тизимларининг амал қилиши; учинчиси, сайлов тизимининг даражаси, субъекти, босқичларини туркумлаш; тўртинчиси, сайлов тизимининг сиёсий тизимга институционал жиҳатдан интеграциялашуви; бешинчиси, давлат ҳокимияти органлари тизимини конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш каби тарихий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий омилларни ҳисобга олинишини мақсадга мувофиқ.

6. Ҳар бир давлат ўз сайлов тизими моделини танлашда, биринчи навбатда сайлов тизими институционаллашувининг пойдевори сифатида “ижтимоий-сиёсий манфаатлар” масаласи эътиборга олиниши керак. Ушбу илмий категория бир томондан, “давлат манфаати”, “миллий манфаат” каби бошқа йирик илмий категориялар билан айнан бир хил бўлмасада, аммо у давлат ва жамият институтларини бир вақтнинг ўзида, ҳам сиёсий тизим, ҳам сайлов тизими субъектлари сифатида англашга имкон беради. Иккинчидан, сайлов тизими доирасида фуқароларнинг сиёсий мақсадлари ва ўз сиёсий манфаатларини рўёбга чиқарадиган сиёсий партиялар ўзига хос тузилма шаклида, бошқа жамоат бирлашмаларидан ажралиб туради. Шу тариқа сайлов тизими доирасида жамият сиёсий тизимининг турли элементлари ўртасидаги ўзаро жўшқин ҳамкорлик муносабатлари таъминланади.

7. Сайлов тизимини жамиятда бир пайтнинг ўзида: 1) фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилувчи; 2) жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантиришдаги иштироқи тузилишини акс эттирувчи; 3) сиёсий тизим барқарорлиги ва мустаҳкамлигини сақлаб туришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланувчи; 4) сиёсий тизимнинг асосий иштирокчиси сифатида давлат томонидан мамлакатда давлат ҳокимияти органларига ўтказиладиган сайловларнинг бирхиллаштирилган тартиб-таомилларини ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан ўзини-ўзи тийиб турувчи восита бўлиб хизмат қилиш каби бир қатор вазифаларни бажарадиган ижтимоий рақобатли сиёсий-ҳуқуқий жараён сифатида тавсифлаш мумкин.

8. Мамлакатда кўппартиявийлик тизимини янада мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ғоя ва мақсадларини электорат томонидан қўллаб-қувватланишини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда сиёсий партиялар институционаллашувини жадаллаштириш мақсадида босқичма-босқич Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда вилоятлар даражасида маҳаллий Кенгашларга сайловларни пропорционал тизимга ўтказилиши лозим.

9. Сайлов тизими ва сиёсий тизим ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масаласини таҳлил қилишда уларга хос принциплар доирасини янада кенгайтириш зарурати келиб чиқади. Фанда, қонунчиликда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида чуқур мустаҳкамланиб қолган, барчага маълум (умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри, яширин, очиқлик, ошкоралик, шаффоф, эркин ва адолатли сайлов принциплари) умумий принциплар рўйхатини, қуйидаги: 1) сайлов жараёнини аниқлаштириб берувчи принциплар (сайлов жараёни босқичлари кетма-кетлигига қатъий амал қилиш; навбатдаги сайловлар оралиғида сайловга оид тартиб-таомилларининг барқарорлиги ва ўзгармаслигини таъминлаш; сайлов комиссияларининг мустақиллиги, овозларни ҳисоблашдаги шаффофлик кабилар) ҳисобига тўлдириш; 2) сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг рақобатбардошлик асосида иштирок этиши; давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорликда иштирок этишлари каби принциплар билан ҳам тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

10. Сайлов тизими ва жараёни субъектларни учта йирик гуруҳга: 1) сайлов жараёнини ташкиллаштирувчи субъектлар гуруҳи; 2) сайлов жараёнида иштирок этувчи субъектлар гуруҳи; 3) сайлов жараёнини таъминлаб турувчи субъектлар гуруҳига ажратиш таклиф этилади.

11. Таҳлилларга таяниб, сайлов тизими институционал элементлари ва жараёни субъектларининг таркибида давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслари улуши даражасининг сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларга нисбатан анча юқори даражада эканлиги сабабли, яъни давлат институтлари бир вақтни ўзида ҳам сайловларни ташкил этишлари, шунингдек уни ўтказилишини таъминлайди, деган хулосага келган ҳолда, шунингдек илғор хорижий (АҚШ, Европа иттифоқи давлатлари) тажрибасига кўра, мавжуд ижтимоий муаммолар ечими мақсадини кўзлаб ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш нуктаи назаридан муаллиф маҳаллий даражадаги сайловлар жараёнида фуқаролик жамияти институтлари реал иштирокини кенгайтириш таклиф этилади.

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 117-моддаси 2-қисми 1-хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади: “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати

тугайдиган йилда – апрель ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا қўйилган талаблар белгиланган. Мазкур талаблардан “айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас” нормасини чиқариш “Ўзбекистонда туғилганлик” сўзларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Худди шундай қонданинг Сайлов кодексининг 61-моддасига қўшиш зарур ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси 57-моддасида муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади деб белгиланган. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти тегишли округ сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига биноан (жумлалари билан тўлдирилиши лозим) белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади деган норма билан тўлдирилиши лозим.

4. Сайлов кодексининг 4-моддаси “Умумий сайлов ҳуқуқи” деб аталиб шу модданинг учинчи хатбошисида “Фуқаролар жинси. Эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир”, – деб кўрсатилган. Бу қоида Кодекснинг 5-моддасида, яъни “Тенг сайлов ҳуқуқи”га тегишли. Шунинг учун бу қоида 5-моддада бўлиши керак.

5. Сайлов Кодексининг 93-моддасида бўшаб қолган сайлов округида сайлов маҳаллий кенгаш томонидан тайинланиши белгиланган. Бундай ҳуқуқни тегишли Кенгашларга сайлов ўтказувчи комиссияларга бериш тўғри бўлади, чунки, шундай комиссиялар шу даврда фаолият кўрсатаётган бўлади ва бу ҳокимият органларини сайловда иштирокини чеклайди.

6. Сайловларда сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, оммавий ахборот воситалари вакилларининг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Сайловларнинг янада очик ва ошқора ўтишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган Нодавлат ва нотижорат ташкилотларига ҳам кузатувчилик мақоми берилиши лозим.

7. Мамлакатимиздаги мажоритар сайлов тизими қатор ижобий томонлари билан бирга салбий томонлари борлиги сайлов жараёнларида кўзга ташланмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг пропорционал сайлов тизими асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

8. Сайлов кодекси 96-моддасидаги “сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 (ўттиз уч) фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилади, деган қоидадан воз кечилиши зарур. Бу биринчидан, мамлакатимизда сайловларда иштирок этишнинг ихтиёрий эканлиги принпига зид эканлиги, сайловдаги иштирокчиларнинг энг кам миқдорига белгиланган талаб сайлов

учун жойлардаги мутасаддиларнинг формал сон кетидан қувиб, сайловларни ёппасига қалбакилаштириш учун замин яратиши мумкин.

9. Сайлов кодексининг 28-моддаси иккинчи хатбошида “Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборот негизида шакллантирилади ва янгилаб турилади, сайлов кампанияси даврида эса тегишли участка сайлов комиссиялари томонидан аниқлаштирилади”-деган норма мавжуд.

Мазкур нормада ваколатли давлат органлари қачон ва қайси пайтда рўйхатни янгилаб бориши мавхум бўлиб қолган, бу эса ўз навбатида мазкур моддани ижро этилишини сусайтиради. Шунинг учун мазкур моддага аниқлик киритилиб куйидаги тахрирда баён этилса, “сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини ҳар йили 1-июлдан-1-январга қадар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари сайловчилар ва сайлов участкалари чегаралари тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда тегишли ҳудудий сайлов комиссияларига тақдим этади, бу эса юқори сайлов комиссияларига солиштириш ва маълумот берилишини таъминлайди”- мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.32/30.12.2019.Yu.74.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ТУРГУНОВ ОЙБЕК КАРИМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ (ПРАВОВЫХ)
ОСНОВ ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ**

12.00.02 – Конституционное право. Административное право. Финансовое и
таможенное право

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)

Ташкент – 2020

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована под номером B2019.3.DSc/Yu31
Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Докторская диссертация выполнена в Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском, английском) на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Ахмедов Даврон Қувонович
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хусанов Озод Гиллабоевич
доктор юридических наук, профессор

Маматов Худойр Ташаевич
доктор юридических наук, профессор

Селиманова Светлана Михайловна
доктор юридических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный юридический университет

Защита диссертации состоится «__» ____ 2020 г. в __. __ часов на заседании Научного совета DSc.32/30.12.2019.Yu.74.01 при Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан (Адрес: 100109, Ташкентская обл., Зангиатинский р-н, курган Чорсу. Тел. (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан (зарегистрирован за № ____). (Адрес: 100109, Ташкентская обл., Зангиатинский р-н, курган Чорсу. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Автореферат диссертации разслан «__» _____ 2020 г.г. (протокол реестра № __ от «__» _____ 2020 г.г.).

М.Х.Рустамбаев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

М.Ахмедова

Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат юридических наук

М.Б.Усмонов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире выборы являются важнейшей процедурой, способствующей обеспечению участия граждан в формировании законодательных, исполнительных и судебных органов государства. Реализация политических прав граждан связана с выборами, выборы – это условие существования демократии, способ формирования государственных органов и органов самоуправления путем голосования. Избирательная система, наряду с формированием пути государственной политики, сама является продуктом этой политики. Поскольку не существует универсального образца избирательной системы, значимости места выборов в демократическом обществе во все времена, существует научная необходимость поиска справедливой избирательной системы, отражающей наиболее оптимальные для общества, государства и граждан формы и механизмы, создания ее прогрессивной модели.

Во всех развитых странах мира национальная избирательная система является основным требованием демократии, важнейшей гарантией легитимации власти, обеспечения верховенства закона и баланса интересов в обществе. Совершенствование избирательных институтов определяет уровень развития государства и общества. В современную эпоху глобализации представляется актуальным создание необходимых организационно-правовых форм, присущих избирательной системе народовластия, разработка эффективных методов и форм реализации принципов «народовластия», «государство представляет волю народа и служит его интересам», имплементация общепризнанных норм международного права, относящихся к отрасли, в национальное законодательство.

В республике уделяется внимание поиску научных решений таких вопросов, поднятых до уровня государственной политики, как эффективное обеспечение избирательного права, дальнейшее совершенствование правовых механизмов в сфере выборов, анализ процессов демократизации, тенденций развития национальной избирательной системы, укрепление политической культуры электората. Для последовательной реализации конституционных норм в сфере избирательной системы осуществляются масштабные программные мероприятия, в частности, систематизированы 21 закон в сфере выборов, впервые в истории Узбекистана принят единый Избирательный кодекс. Это был важный шаг на пути укрепления национального законодательства и дальнейшего совершенствования проведения демократических выборов¹.

Анализ избирательного законодательства и практики требует дальнейшего совершенствования правового статуса субъектов избирательного процесса, механизмов касательно их взаимодействия. При этом актуальной задачей является также разработка новых эффективных конституционных норм,

¹ Мирзиёев Ш.М. “Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини энг муҳим мезонидир” // <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

конкретных процедур по расширению внедрения современных информационно-коммуникационных технологий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, определенных в Избирательном кодексе Республики Узбекистан (2019), Законах «О политических партиях» (1996), «О финансировании политических партий» (2004), Указе «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» (2017), постановлениях Президента Республики Узбекистан «Об организационных мерах по совершенствованию деятельности Центральной избирательной комиссии» (2018), «О мерах по внедрению современных информационных и коммуникационных технологий в избирательный процесс» (2018) и других актах отраслевого законодательства.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правоправного общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Исследования по теории институциональных основ избирательной системы проводились в ведущих мировых исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях, в частности NY University, Harvard University, Stanford Law School, UCLA School of Law, Boston College, Washington University School of Law, Yale University, Johns Hopkins University (США), Oxford University, Newcastle University, Cambridge University, Queen Mary University (Великобритания), Frankfurt Universität, München Universität (Германия), Pantheon Sorbonne (Франция), The University of Toronto (Канада), University of Twente (Нидерланды), Baku State University (Азербайджан), The University of Nagoya, (Япония), Московском государственном университете, Московском государственном институте международных отношений, Санкт-Петербургском государственном университете (Россия).

Различные аспекты избирательной системы были предметом исследований, проведенных в исследовательских центрах и других научных учреждениях. Например, ученые США, подходя к избирательным системам в качестве важного инструмента демократии, изучали выборы, избирательную систему и ее модели, сформированные на основе избирательного законодательства страны. Они делят государства в зависимости от уровня избирательных систем, на группы стран, где установлена стабильная демократия и развивающихся стран, которые только двигаются по пути демократии. Вместе с тем, исследованы место и значение избирательных систем в процессе установления демократии в развивающихся и

¹ Диссертационный мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.law.stanford.edu>, <https://www.bc.edu>, <https://law.ucla.edu>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.yale.edu>, <https://www.jhu.edu>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.qmul.ac.uk>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.uni-muenchen.de>, <http://www.pantheonsorbonne.fr>, <http://en.nagoya-u.ac.jp>, <https://www.msu.ru>, <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>, <https://spbu.ru>, <https://www.utoronto.ca>, <https://www.utwente.nl/en/>, <http://bsu.edu.az/en/>.

изменяющих политическую систему странах. Данные исследователи анализировали аспекты применения современных информационных технологий в избирательной системе, внедрение электронных выборов, системы онлайн-голосования (Yale University, Johns Hopkins University)¹.

В исследованиях стран Европейского Союза принята попытка обоснования конституционных принципов касательно того, что выборы являются основным элементом демократического государства, избирательная система является основой демократии в стране, институт выборов является средством укрепления доверия между государством и гражданами, подходя к выборам с точки зрения принципов народовластия, особое внимание уделено аспектам выборов и демократии, представительства и подотчетности, в частности, уровню легитимности выборов. Исследованы вопросы обеспечения принципа всеобщности выборов, участия в них негосударственного сектора (University of Twente, Queen Mary University, Munchen Universitdt)².

В исследованиях, проведенных в государствах СНГ, анализируется история развития избирательных систем, эффективность применения мажоритарных, пропорциональных и смешанных систем в классификации избирательных систем, их преимущественные черты и степень зависимости от правовой системы и политических традиций страны. В них выдвинуты идеи о том, что выборы являются одним из ключевых элементов демократического государства, наличие избирательной системы определяет уровень демократии в стране, избирательные системы все еще находятся в процессе развития (Baku State University, МГУ, Московский государственный юридический университет, Московский государственный институт международных отношений, Санкт-Петербургский государственный университет)³.
